«Башар нафси ёмонликка мойил этишдан узок эмас. Куръонда дейилган: «Мен нафсимни окламайман. Чунки нафс, агар Парвардигорнинг Ўзи рахм килмаса, албатта барча ёмонликларга буюргувчидир». «Бу Аллохнинг фазлу мархамати бўлиб, уни Ўзи хохлаган кишиларга ато этур. Аллох улуг фазлу мархамат сохибидир». Бу сўзларни ифодалашдан ва бу гапларни баён килишдан гараз шуки, инсонлик такозоси, подшохлар расм-русми, подшохлик лавозими, мансабдорлар одати бўйича шохдан тортиб сипохийгача гўзал ёшлик кунларида шариат ман килган баъзи нарсаларга ва айрим ўйин-кулгуларга ружу килинарди. Бир канча вактдан кейин пушаймонлик кунлари келиб, улар битта-битта тарк килинар ва чин тавба билан уларга кайтиш эшиги ёпилар эди. Аммо максад ва матлабларнинг мухими ва буюги бўлган ичкиликдан кайтиш тавбаси «хар иш ўз вактига боглик» пардаси остида беркиниб, юзини кўрсатмас эди, токи бу яхши соатда зўр гайрат билан уруш эхромини боглаб, шавкатли Ислом аскарлари ёрдамида кофирларга карши жангга киришганимизда гайб Илхомчиси ва хакикат Жарчисидан «Иймон келтирганларга вакт келмадимики, калбларини Аллохнинг зикри ила юмшатсалар» мазмуни эшитилиб, гунох ва саркашлик асбобини илдизидан кўпориб ташлаб, тавба эшикларини тўлик жиддият билан кокдик. Тавфик йўлловчиси «Кимки астойдил эшик кокса, киради», мазмунига мувофик икбол эшигини очди ва бу урушни нафсга каршилик кўрсатишдан иборат бўлган зўр уруш билан бошлашни буюрди. Алкисса, «Эй Роббим, нафсларимизга зулм килдик»ни ихлос тилига келтириб, «Сенинг олдингда тавба килдим ва мен мусулмонларнинг биринчисиман», деган гапни дил лавхига накш килдик. Кўнгил хазинасида махфий колган ичкиликдан кайтиш тавбаси истагини юзага чикардик…».

(Тарихдан маълумки, Бобур Мирзо хазратларининг асосий галабалари айни шу майни катагон килган фармондан сўнг кўлга киритилган. Яна тарихдан маълумки, темурий подшохлардан Хусайн Бойкаро бошкарган мамлакатни айни шу ичкилик барбод килган, унинг ўзи мастлигида суюмли ва умидли набираси Мўмин Мирзо катлига фармон берган).